

Uliwma til biliminde bolsın, túrkologiyada bolsın, ádette, bolımsızlıqqa qatnaslı ayılğan oy-pikirler keńnen ushıra-sadı. Lingvistikalıq bolımlı-bolımsızlıq kategoriyasınıń statusı onıń hár bir komponentiniń, yaǵnıy bolımlılıqtıń da, bolımsızlıqtıń da jeke-jeke sıpatınan turatugını eskerile bermeydi.

Tilde bolımlılıq máni de, bolımsızlıq máni de tilge tegis taraǵan keń kólemli tillik qubılıs. Onıń tillik tábiyatında ayırmashılıq bar. Soǵan baylanıslı bolımlılıq hám bolımsızlıq dep ekige bólip qaraladı.

Lingvistikalıq bolımlılıq – bolımsızlıqtı ekige bóliwge boladı:

1. Leksikalıq bolımlılıq - bolımsızlıq;
2. Grammatikalıq bolımlılıq - bolımsızlıq.

Ádette, sóz konkret jaǵdayda bir leksikalıq mánige iye bolsa, onıń grammatikalıq mánileri bir neshe bolıp keledi [3:12-13]. Máselen, *suwsız jer*, *tawlı aymaq* degen menen *keldi*, *keldi* degen bir emes. *Suwsız*, *tawlı* degen sózlerdiń bolımsız, bolımlı mánilerin dórendi túbir bergen, ol sonlıqtan **leksikalıq** máni bolıp tabıladı. *Keldi*, *keldi* degende leksikalıq máni ózgergen joq, sonlıqtan bunda bolımlılıq penen bolımsızlıq **grammatikalıq** mánige iye. «Turmıstıń turlı táreplerin ańlatıwǵa baylanıslı sózge zá-rúriy formanı grammatika shólkemlestiredi» [4:29].

1. Bolımlı máni hesh qanday grammatikalıq kórsetkish-lersiz ańlatadı.

2. Bolımsızlıq máni tilde arnawlı kórsetkishler arqalı bildiriledi:

- a) feyil tiykarlı bayanlawısh **-ma/-me, -pa/-pe, -ba/-be;**
- b) atawısh tiykarlı bayanlawısh **-sız/-siz** bolımsız máni;
- v) bayanlawısh «joq» sózi menen kelse;
- g) «**joq, yaq, emes**» sózleri bayanlawısh xızmetinde kelse;

d) bolımsızlıq almasıqları arqalı da bolımsızlıq máni ańlatıladı.

Eki bolımsızlıq kórsetkishleri gáp ishinde qatar kelse bolımlılıq máni ańlatılardı.

3. Bolımlılıq hám bolımsızlıq máni tórt túrli usıl arqalı ańlatılardı:

- a) leksikalıq;
- b) morfologiyalıq;
- v) sintaksislik;
- g) intonaciyalıq.

4. Bolımlılıq hám bolımsızlıq máni paralingvistikalıq qurallar arqalı bildiriledi:

«**awa**» tastıyqlaw yamasa «**joq**» biykarlaw mánileriniń qol, erin, bas háreketleriniń vertikal yamasa gorizonttal háreketleri arqalı da bolımlılıq hám bolımsızlıq mánileri ańlatılardı.

Solay etip, qaraqalpaq tilindegi bolımlılıq-bolımsızlıq – til qurılısınıń barlıq dárejelerine qatnaslı quramalı, keń aspektli másele. Bul másele boyınsha grammatikalarda, sabaqlıqlarda ǵana sóz etilip kiyatır. Sol sebepli onıń tillik tábiyatı, ańlatılıw usılları menen quralları ele de keń kólemde izertlewdi talap etedi.

Ádebiyatlar

1. Абдиназимов Ш.Н. Тил билими тарийхи. –Ташкент: «Фан», 2006. 156- б.
2. Эмир Р., Эмирова Ж. Жай сөйлем синтаксисі. –Алматы: «Санат», 1998. 192-б.
3. Бердимуратов Е. Хәзирги қарақалпақ тили. Лексикология. –Нөкіс: «Билим», 1994. 188-б.
4. Галкина-Федорук Е.М. Слово и понятие. –Москва: 1956. 54-б.
5. Ғуломов А., Асқарова М. Хозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1965, 316-б.
6. Dáwletov A., Dáwletov M., Qudaybergenov M. Házirgi qaraqalpaq ádebiy tili. Sintaksis. –Nókis: «Bilim», 2009. 320-b.
7. Хәзирги қарақалпақ әдебий тилинің грамматикасы. Синтаксис. –Нөкіс: «Билим», 1992, 564-б.
8. Хәзирги қарақалпақ тили. Синтаксис. –Нөкіс: «Билим», 1996. 296-б.

REZYUME

Mazkur maqolada qoraqalpoq tilidagi tasdiq-inkor ma'nosining lisoniy tabiati hamda uning til tuzilishining barcha darajalariga bog'liq, keng aspektli masala ekanligi to'g'risida so'z yuritilgan.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена лингвистической природе утвердительного и отрицательного значения в каракалпакском языке и о её многоаспектности в отношении ко всем языковым ярусам.

SUMMARY

This article is devoted to the linguistic nature of affirmative and negative meanings in the Karakalpak language and its multidimensionality in relation to all language systems.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ҲАЖВИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН АЙРИМ МОРФОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА ГРАММАТИК ШАКЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

М.Х.Пардаева – катта ўқитувчи

Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ҳажвиялар, морфема, лексема, келишиқ қўшимчалари, шева ва лаҳжалар, мақсад равишдоши, феълнинг вазифадор шакллари.

Ключевые слова: комиксы, морфема, лексема, падежные окончания, диалекты и говоры, деепричастие и глагол.

Key words: comics, morphemes, lexical unit, case suffixes, dialects and accent, target forms, participle and verb.

Ўзбек тилида, флексив тиллардагидан фарқли равишда, асос мустақил маъно аңлатиш хусусиятига эга. Сўзнинг асосдан бошқа қисмлари эса ундан алоҳида қўлланмайди ва маъно аңлатмайди. Шунинг учун улар *морфема* дейилади. Масалан, (*Китобхонларга*) сўзи (*китоб*), (*-хон*), (*-лар*), (*-га*) қисмларидан иборат. Ажратилган ҳар бир таркибий қисм бу сўз доирасида ўзига хос грамматик ва семантик маънога эга. Улар тилда алоҳида-алоҳида мавжуд бўлади.

Р.Сайфуллаева ҳам бу борада шундай ёндашади: «(*Пахта*-) ва (*-кор*), (*-лар*), (*-га*) қисмлари ўзаро семантик ва қўлланиш хусусияти жиҳатидан фарқланади. [*Пахта*] бирлиги мустақил луғавий маънога эғалиги ва бу маънони қолган қисмларсиз ҳам аңлата олиш хусусияти билан бошқа таркибий

қисмлардан ажралиб туради. Шунинг учун у *лексема* дейилади. Бошқа қисмлар эса ажралган ҳолда мавҳум бўлиши, лексемасиз мустақил маъно аңлата олмаслиги билан характерланади. Лексема шакланувчанлик, морфема шаклантирувчанлик белгисига эга. Номустақиллик табиати ва лексемага шакл бериш вазифасига хосланганлиги уларни *морфема* деб аташга олиб келган. Морфеманинг нутқий кўриниши *қўшимча* дейилади» [1:131].

Ўзбек тилига бошқа тиллардан кириб келган сўзлар маъноли қисмларга ажратилмайди. Баъзан ўзлашма сўз асосида яъни сўз ясалган бўлса, таркибий қисмларга ажратилади. /Энди бу зот ҳам уламодан бири эди. Ўз аҳли тарафидан варақатул-анбиё қаторига киритилган учун мертуқ-сертуқларнинг фалон-туғанига қулоқ солувнинг ҳам лузуми йўқ эди. Йиғирма

беш-ўттуз йилни мадраса тупроғи ялаб ўтқарган бир кишини, табиий, бизда уламо қаторига киргузмай ҳол йўқ./ Ҳажвиялар матнида ижодкорнинг романларида қўлланмаган морфологик шакллардан фойдаланилган. Келишиқ кўшимчаларининг тарихий шакллари нисбатан кўпроқ ишлатилган. Хусусан, турли вариантларга эга жўналиш келишиғи бугунги имло қоидаларига мос келмайдиган ҳолатда қўлланилади. Умуман, юқоридаги матнда қўлланган “қаторға” ва “ўтқарган” сўзларида шакл ясовчи “-ға” ва “қар” кўшимчалари бугун сўзлашув нутқидагина қўлланилиб, шева ва лаҳжаларда сакланиб қолган. Адабий тилда “қаторға” ва “ўтқазган” шаклида қўлланилади.

Шунингдек, айрим ҳаракат номи ҳосил қилувчи грамматик шакллар ўз даври учун жуда фаол бўлиб, ҳозирда унинг ўрнига бошқа морфологик шакл ҳукмрон: /Халқ оғзиндаги «Хуррият, хуррият» деган сўзга биринчи эшитувда тушунилмаса ҳам лугат қўрилгандан кейин бир оз тушуниди./ Масалан, -иш, -ув, -моқ шаклларида ҳозирги адабий тилда **-ш**, **-иш** кўшимчалари кўп қўлланилади. Қодирий ҳажвияларида бунинг ўрнига **-ув** шакли қўлланган: “У зот диний бир олим бўлув устига сиёсатдан ҳам хабарсиз эмас эди. Бухоро тўғрисида сўйлаб керак эмас, ҳаммамизга белгили: бошиқа ислом шаҳарларига кўкдан нур ёғилган ҳолда, шу шаҳарларга ёғдирмоқ учун Бухорои шарифдан фаришталар орқали кўкга нур чиқаришур экан!.. (А.Қ. 96)

Морфологик шакл ҳосил қилувчилар ҳам ўз навбатида таснифланади, вазифаси нуктаи назаридан муайян турларга бўлинади: “Грамматик морфема” асосий хусусиятига кўра учга ажралади:

- 1) луғавий шакл ҳосил қилувчи морфема;
- 2) синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема;
- 3) луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема.

Луғавий шакл ҳосил қилувчи морфема лексема луғавий маъносини нутққа мослаштириш вазифасини бажаради. Масалан, [китоб] лексемасининг семемасида бирлик ва кўplik маъноси номаълум. Сон луғавий шакл ҳосил қилувчиси бўлган [-лар] уни кўplik томон муайянлаштиради. Бу морфеманинг ўзига хос тури луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема бўлиб, луғавий маънони муайянлаштириш, нутққа хослаш билан бирга ((келган), (ўқигач)), сўзни синтактик алоқага ҳам киритади: ўқиган бола, ўқигач гапирмоқ” [1:132].

Феълнинг вазифадош шаклларино ҳосил қилувчи кўшимчалар тадқиқот объекти сифатида танланган матнда турли шаклда барабар қўлланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, /Амирқон пахтани ҳам шу чиқарган. Гирмония тўб тўпхона, уруш аслаҳаларини ишлайдир. Осмон попурини ҳам шу кофир чиқарган. Онглия — бу жуда хунарманд, локин ўзининг ер юзанда жойи йўқ. Аммо денгизга шаҳарлар бино қилган. Шунинг учун денгизлар подишоси деб айтадиқлар. Фарансия ёки Фаранг — бу ўзи майда-чуйда ишларга жуда ҳам уста бир кофир; фаранги игна, мошина, фаранги иб, грамафон, нагма ва шунга ўхшаиш аллақанча ажойиб, гаройиб нарсаларни чиқарган./ Ўтган замон сифатдоши (ган) бир ўринда бугунги шаклга мос бўлса, яна бир ўринда тарихий шаклда ифодаланган.

Тахлиллар бундай ифоданинг алоҳида хусусиятга эга эмаслигини, бир хил вазиятдаги икки хил ҳолат эканлигини кўрсатди. Масалан, /Япўния — ўрусдан Пўрт-ортурни олган... Ана бунлар энди чет қиронлар тўғрисида билган сиёсати./ шу ўринда сўз ясовчи кўшимчаларнинг мустақил сўзларга қўшилиши ва уларнинг ҳосиласи ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Бугунги кунда ҳам айрим сўзларнинг этимологиясини аниқлашда муайян қийинчиликларга дуч келинмоқда. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун мустақил сўзларнинг ясалиш ва қўлланилиш эволюциясини

кузатиш лозим, жумладан “ижрғамига”, “чериги” сўзлари: /Ўзимизнинг яқин қиронлардан, масалан, Хитой, Туркия, Бухоролар ҳаққинда этти ёшлиқ вақтиндан бери маълумоти бор. Самаркентни олмоққа қўшун тортганда йўл устида дарёи Нилми, Жайхунми деган бир дарёга тўғри келар экан. Дарёни кўпруксиз кўрганда ижрғамига келтурмай черигини сувга босиб, одамдан кўпрук қилиб, ўтуб кетар экан./ шунингдек, бу ўринда кўплаб сўзлар бир аср давомида муайян фонетик ўзгаришларга учраганини кўриш мумкин, яъни “кўпруксиз”, “ёшлиқ” сўзларида ижобий томони - сиз сўз ясовчи кўшимчаси қўлланилгани бўлса, -лик кўшимчаси кўприк отининг морфологик, фонетик шакли ўзгаришга учраган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида аксарият ҳолларда -лик шакли қўлланиб, -лик жуда кам ҳолатларда жой номларига нисбатан (оталиқ, Қўйлик, Бўстонлик) ишлатилади. Ш.Шоабдурахмонов “Шахс отларидан ясалганда: а) қариндошлиқ маъносини англатувчи сўзларда ясалган отлар шу маънони умумлаштириб, ҳолат тарзида билдиради: ота + лик, ака + лик, тоға + лик каби; б) ҳаст (умр)нинг маълум даври маъносини англатувчи отлардан ясалган сўзлар шу маънони ҳолат тарзида ифодалайди: бола + лик, йигит + лик, қиз + лик, келин + лик, куёв + лик каби; в) касб, амал-унвон ёки бошқа иш-фаолият эгасини билдирувчи отлардан -лик аффикси ёрдамида ясалган сўзлар шу касб, амал-унвон, иш-фаолият номини билдиради: декан + лик, мудир + лик, дирижёр + лик, ўқитувчи + лик, шофёр + лик, бос-мачи + лик каби”. От ясовчи серунум -лик кўшимчаси келишиқ кўшимчаларидан фарқи равишда фақат тарихий шаклда қўлланган: /Ўзи мударисликка сайланмасдан илгари оқ подшоҳга нима учундир мастравойлар каби душманлик саклаб юрар эди./ (Диёри бакр, 98)

Матнга тарихийлик руҳини бераётган ва кўп қўлланилган грамматик шакллардан бири — бу кесимлик, шахс-сон кўшимчаларидир. Аслида ҳозирги ўзбек адабий тилида -ди ҳам замон, ҳам шахс-сон вазифаларини бажаради. Омонимлик хусусиятига эга. Қодирий ҳажвияларида бу шакл бироз бошқачароқ эканлигини кўриш мумкин: /Туркия — ер юзининг султони, аҳли куффордан бож хирож оладир. Қаҳру-ғазабдан замин у замон, макину макон титрайди. Одамларини уч юз отмиш кун рўза, йигирма тўрт соат намоз ўқувчи «авлиё» деб биладиқ. Бу ерда муаллимчилик қилиб юрган асир туркларни ул турк деб билмайдиқ./ (А.Қ., 89)

Айрим от туркумига доир сўзлар бугунги кунда фақат бадий матнлар учун хослини қолганини кўриш мумкин: Орада уруш боиланиб, Туркистонда «рабочий» масаласи кўзгалганда галаёнга келган халқга: «Подшоҳнинг амри вожиб, маънои вожиб фарзлигинда озгина шубҳа бор, маънои фарз амри илоҳий», деб ҳаяжондан тўхтатурга тиришадиқ. Аввало, галаён сўзи бугун мавҳум тўшунчалар (тўйғулар галаёни) билан кўпроқ қўлланилиб, грамматик вазифаси ҳам шунга мослашган. Муҳим жиҳати шундаки, юқоридаги матнда турли туркумга доир сўзларга қўшилган грамматик воситалар бир хил морфологик шаклда турибди. Яъни, отга қўшилган жўналиш келишиғи (-ға), равишга қўшилган (ғина) субьектив баҳо ифодаловчи кўшимча ҳозирги адабий маёрга мос бўлмаган шаклда воқеланган [2:161].

Олмош сўз туркумининг морфологик шакллари ҳақида тўхталаганда кишилиқ олмошларидаги турланиш ҳодисасини алоҳида таъкидлаш лозим, яъни ҳозирги адабий тил меъёрларига кўра, грамматик талаблар айнан кишилиқ олмошларига эғалиқ кўшимчалари қўшилиб келмайди, бироқ Қодирий асарларида бундай ҳолатни учратиш мумкин: Локин бу хабарларга бизим «Охунд домла» сира ишонмайдиқ. Шу

хабарларни сўйлашчига қизиқ туриш билан: «Эй, сен аҳмоқ бўлиб қолдингми? Оқ подшоҳни ўрнидан тушуруб бўлар эмиш?» (А.Қ,101) Шундай бўлса-да жумладаги биринчи шахс, кўплик сондаги олмошга қўшилиб турган -им аффикси қараткич келишиги вазифасида келмоқда. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам шеърӣ матнларда бундай ҳол такрорланиши мумкин: “Фақат ожиз қаламим маним. Ўзбекистон ватаним **маним**” (Абдулла Орипов). Фарқи шундаки, мазкур мисрада биринчи шахс, бирликдаги кишилиқ олмошга қўшилиб келмоқда. Кўплик шакли ҳозирда қўлланилмайди. Шундай бўлса-да айрим ўринларда бугунги ифодага мос қўлланишлар ҳам асарда учайди, демак, аралаш қўлланилган ёки ўтиш жараёнида бўлган: / Ҳозир **бизнинг** Охунд домламыз нима қилур эди? Домламызнинг ўзи политикан эмасми? Ишнинг тубига аллақачон тушуниб, ёшларга қарши ташвиқот денгизинда юзар эди (А.Қ.,107) .

Морфологик бирликларда вақтнинг таъсири билан содир бўлган ўзгаришларни куйидагича ифода қилиш мумкин:

2.1-жадвал

№	Матндаги ҳолати	Ҳозирги ҳолати
1	Локин бу хабарларга бизим «Охунд домла» сира ишонмайдир.	Хабарларга, бизнинг
2	Ана бунлар энди чет қиронлар тўғрисида билган сиёсати.	Булар
3	Гирмония тўб тўпхона , уруш аслаҳаларини ишлайдир.	ишлайди. Тўғрироғи бу сўз лексик ва услубий жиҳатдан тўғри келмайди. Ҳозирда: Ишлаб чиқаради.
4	Бундан сўнг сиёсатга оралашмаслик	аралашмаслик
5	Илгарирак домламыз бу хабарларга қўбда ишонмаса ҳам кейинрак ўйлий бошлади.	илгарироқ, кейинроқ
6	Шундай қилиб тинчгина имомгарчилигида давом этадир.	имомчилик, имомлик
7	Хитой , Туркия, Бухоролар ҳаққинда етти ёшлиқ вақтдан бери маълумоти бор.	ёшдан, ёшлиқ

Адабиётлар

1. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., М.Қурбонова, Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: 2009. 131-б.
2. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: “Ўқитувчи”. 1980. 161-б.

Мақолада Абдулла Қодирий ҳажвий асарларида қўлланилган морфологик бирликлар ва грамматик шаклдаги ўзгаришлар, айрим ҳаракат номи ҳосил қилувчи грамматик шакллар, келишиқ қўшимчаларининг тарихий шакллари нисбатан кўпроқ ишлатилганлиги, хусусан, турли вариантларга эга жўналиш келишигининг қўлланилиши мисоллар асосида таҳлил қилинган.

В статье анализируются морфологические единицы и их изменения в грамматической форме, некоторые грамматические формы, образующие неопределенную форму глагола, исторические формы падежных окончаний, используемые в комических произведениях Абдуллы Кадыри, а также на основе примеров объясняется применение дательного падежа.

The article analyzes the morphological units and its changes in grammatical form, some grammatical forms which construct indefinite forms of the verb, historical forms of case suffixes used in Abdulla Qodiri's comic works, the grammatical forms that form some action names, the historical forms of suffixes, and the use of directional conjugation with different variants.

Ш.Шоабдурахмонов “Сўз таркибида мустақил маъноли қисм **ажралиб** (кўриниб) турса-да, лекин унга қўшилган қисм аффиксга хос маъно ва вазифага эга бўлмайди. Шу сабабли **бундай** сўзлар ҳам морфемаларга ажралмайди: *бирон* (*бирор*), *безор* кабилар. Сўз структурасида юз берган фонетик ўзгаришнатижа сида ўзак морфема билан аффиксал морфема ўртасидагиалока сезиларсиз холга келади. Масалан, **қаттиқ** сўзи аслидақот (**қотмоқ**) ўзагига **-иқ** аффиксининг қўшилишидан ясалган (кёсланг: *юмиш*). Лекии қот ва қаттиқ сўзларнда **о** ва **а** товушлари орасидаги фарк, шунингдек, қаттиқ сўзида бир ттовушининг **орттирилиши** бу сўзнинг қот сўзига алоқасини**сезиларсиз** холга келтириб қўйган” [2:162].

Қодирий ҳажвиялари матнида ҳам таркибий қисмга ажралмайдиган сўзлар кўп учрайди масалан: /...*Мадрасасининг биринчи мударриси этиб Алланарсамоф ёгиндан берилган указни бекорга чиқариб, Охунд домламыз ўрнига бошқани сайлаймиз, десалар!*.../ (А.Қ.102)

Айрим грамматик воситаларнинг сўзга қўшилганда асос тугаган товуш талаффузига мослашиши бугунги адабий тил учун меъёр вазифасини бажармоқда, бироқ Қодирий ҳажвияларида сўзнинг қандай харф билан якунлангани аҳамиятга олинмай, жўналиш келишиги ва мақсад равишдошини ифодаловчи қўшимчалар бир хил шаклда қўлланилганга дуч келиш мумкин: /*Отун ойимга указни олиб чиқувни буюриб, ўзи айвонга ўлтурди. Шул вақтда даруни дилдан оҳ тортиб юборган ҳам эди. Указ қогози бундан бир йил илгари сандуқга тушувда Охунд домлага қандай умидлар берган бўлса, бу кун сандуқдан чиқувда шу даража умидсизлик тугдирди. Отун ойимдан указни олиб оча бошлади. Бу қогоз яхши сақлангани учун ҳар қабатини очилган сари шалдирар ва бу шалдиров Охунд домлани алланечук маъюс этар эди.*/ (А.Қ., 103)

Ҳаракат номини ҳосил қилувчи **-и**, **-иш** ҳажвий матнларда, умуман, Қодирий ижодида кам учрайди, асосан, **-в**, **-ув** шаклидан фойдаланилган: /...*ўқуб бериши эсига тушуб, ўшал вақт бутун аъзоси тил билан онглаиб бўлмаслиқ бир лаззат билан жимирлашиб кеткани эсига келиб кетди.*/

“Ўзбек тилида шундай аффикслар ҳам борки, улар сўз бирикмаси, ҳатто гапга тенг конструкцияга қўшилади ва уни бирор синтактик вазифа учун мослайди. Масалан, **-ли** ва **-лик** аффикси худди шундай хусусиятга эга.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY